

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил 10 декабрь 350238 -сон Дангара ш.  
Т(Ш)ЭТК номи

Ўз пизомни асосида фаолият юритувчи "Фаргона ХЭТК" АЖга қаратили Дангара туман электр таъминоти корхонаси раҳбари С.Т. Раҳмонов

(кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади) бир томондан ҳамда ИЕЗОМ асосида

фаолият юритувчи Дангара туман Ободлаштириш Бошқармани

раҳбари Азизова Мадинахон (кейинги (истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

№ 350238  
- 

3	5	0	2	3	8
---	---	---	---	---	---

ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), ҳисоб рақами - 

3	5	0	2	3	8
---	---	---	---	---	---

 иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1. Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - **энергия** деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ**

2.1. Энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 66666 кВт.с. реактив — кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи 29999400 сўми, тариф(лар) бўйича 450.0

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПҚ-3379 нинг руйхатида кўрсатилган махсулот

ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кератиси ёзилган)

ташқил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, даъват қилёловидан ўтказилади, худудий электр тармоқларикорхоналари томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

**III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон қарорининг руйхатида кўрсатилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет тапшилотлари, суи таъминоти тапшилотлари, фермер хўжаликлари ва суи истеъмолчилари уюшмаларининг пасос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган пасос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка ларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тигиз пайт - сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) - белгиланган тариф бўйича.



тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш оркали,

тунги пайт – сутканинг коронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар камаявчи коэффициентни қўллаш оркали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нарҳни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Қорхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Қорхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси оркали ҳар ойнинг “01” санасигача ҳудудий электр тармоқлари қорхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш ҳоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибда Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача яқиний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлик узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Қорхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

Қорхона томонидан махсус дастурий маҳсулот оркали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор оркали роуминг операторига юборилади.

(АСОС: ВМнинг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ ҲИСОБ ВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида”ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси



чекрасида ўрингамаганда, чегаралик ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ деталитвомда кўрсатилади.

Бунда 750 кВА ва ундан кўра қувватга уланган табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга ошириладиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқлашиб, муносиб равишда жамъ олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳажмини ёзиш учун қўшиб борилади. (6-7-иловларни режисинг қилишда аса ва технологик бромки истеъмолчилар шўлдирлади)

3.9. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этилган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-сарафини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олинган кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.10. Бюро истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (минимий истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиниш ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва Бюрога белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимиллаэлектрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот қоридик шахслар ҳамда талбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларининг ҳисобга олиш асбобларидан кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камидан бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларининг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва илораларро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.11. Истеъмолчининг энергия ҳажмини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек, ҳисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоб ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олинган ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорда, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорда пеня ҳисобланади. Бунда пенянинг умумий миқдори муддати ўтган қарздорликнинг 50 фоизидан ошмаслиги дозим.

Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ ортиқ истеъмол қилинган энергияси жамъ ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.

3.12. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тавом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзро ҳисоб-китобларининг таққослаш деталитвомсини тузади.

Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини тқомиллаштиришга доир



кушимча чора-тадбирлар туғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш Коидалари»нинг 78-бандига биноан агар «Истеъмолчи» солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномасини қўйиш йўли орқали, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 64-моддасига биноан бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида "Бюро" томонидан қарздор истеъмолчининг кредитор қарздорлигини мажбурий ундирувга қаратишга, шунингдек, судларга ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.13. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:  
шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;  
ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг вақилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

Электр тармоқларига ноқонуний улашиб, уларни талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

Электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари қасддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;

Электр таъминот лойиҳаси ва техник шартлари мавжуд бўлмаганда;

Электр таъминот лойиҳа ва техник шартларга мос келмаганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қопун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи томонидан коидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар буидан мустасно).

3.16. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.17. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори қуйидаги текширувлардан ўтказилади:

а) даврий қиёслаш— ушбу турдаги ҳисобга олиш приборининг қиёсловдан ўтказиш оралиғи муддати тугаганда;

б) навбатдан ташқари қиёслаш— ҳисобга олиш приборига зарар етказилганда, плomba бузилганда, қайта дастурлаш зарурати юзага келганда;

в) эксперт қиёслаш— ҳисобга олиш приборининг созлиғи, унинг фойдаланишга яроқлиғи, шунингдек, метрологик хусусиятларини норматив ҳужжатлар талабларига мослиғи бўйича низоли масалалар юзага келганда;

3.18. Ҳисобга олиш приборини даврий қиёслашдан "Ўзстандарт" агентлиғи томонидан белгиланган муддатда истеъмолчи ҳисобидан ўтказилади. Қиёсловдан ўтказиш оралиғи тўрт йилни ташкил этади.

3.19. Навбатдан ташқари ва эксперт қиёслашлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси таппаббуси билан ёки бошқа ваколатли орган қарорига асосан ўтказилади ва қиёслаш хизматлари корхона томонидан тўланади.

3.20. Истеъмолчи 1сф ни нормативдан ошишига йўл қўйса, корхона электр энергиясини етказиш учун келиб чиқувчи транспорт йўқотишларини қайта ҳисоб-китоб қилишга ҳақли, истеъмолчи эса уни тўлашга мажбур.

#### IV. ТОМОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1 Ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш;



сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергиясини етказиб беришнинг тўхтатиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия хажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар киритиш. Буида энергиянинг Шартномадаги хажмини ўзгартириш бўйича тақлиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергиясини тўлиқ хажмда етказиб бериламлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплашнинг талаб қилиш;

Шартномани қонуи ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатишганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонуи ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.2. Истеъмолчи қўйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникасини қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг посозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Электр таъминоти корхонасини томонидан белгиланган энергия истеъмоли чеклаш жадвалини бажариш;

Эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошқа сабабларга кура қўчиб кетган тақдирда, у бу ҳақда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор қилиш;

ЭНХАТ (АСКУЭ) тизимини барқарор, доимий ишлаб туришини таъминлаш;

Энергетика тизимининг «Электр-Хисоб» компьютер дастурига «Истеъмолчи»нинг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуктасига) «SMS» орқали юборилган хабарнома, огохлантириш хатларига уз вақтида муносабатларини билдириш ва зарурат ҳолда дарҳол туман (шаҳар) электр таъминоти корхонасига аниқлик киритиш мақсадида маълум қилиш;

Энергетика тизимининг «Электр Хисоб» компьютер дастурига «Истеъмолчи»нинг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуктаси), шунингдек бошқа барча реквизитлари ўзгарган ҳолда «Истеъмолчи» дарҳол электр таъминоти корхонасига хабар бериш;

(Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилги 22-сонли қарори);

Бюро ва «Ўтэнергоинспекция» қонуи кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Бюро ва Корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рўхсат бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманомга бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари



ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистемолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан қуйидаги маълумотларни тақдим этишга мажбур:

истеъмол килинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи;

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатилган даражада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор қилиб, Истеъмолчинини электр тармоғидан узиб қўйиш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчинини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш;

электр таъминот лойиҳаси ва техник шартлари мавжуд булмаганда, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда, электр таъминот лойиҳа ва техник шартларга мос келмаганда "Истеъмолчи"ни электр тармоқларидан узиш;

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчинини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

#### 4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр ҳўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан «Истеъмолчи»нинг хабарлашини нукталари орқали огоҳлантириш;

Истеъмолчинини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда унинг хабарлашини нукталари орқали олдиндан хабар бериш;

Электр тармоғи ҳўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб булмайдиган чора-тадбирларни куриш зарур булганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан энергия узатишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклашлар киритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин булмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.



## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тармоқлар Ўзбекистон Республикаси конституциясида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунини натижасида etkazилган зарарни қоплатишга, "Истеъмолчи" жа'га etkazилган ҳақиқий зарарни қоплатишга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдидан маълумий жавобгар бўлмайдиган агар

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимга риоя қилмай, электр энергияси истеъмолчи ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонага томонидан белгиланган электр энергияси чеklangan жадвали бажарилмагани туфайлан паст сифатли электр энергияси etkazиб берилганлиги учун.

ҳамда маълумий автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани сохлаш билан ёмлик ўчиришлар вақтида электр энергиясини etkazиб бериш ёрқисидан танаффуслар учун.

агана энергетика тизимида қувват танқислиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган авариялардан олдини олиш юзасидан тармоқларни автоматик тарзда (УОН, АЧР) ва ёмлик ўчиришлар ҳисобига оқибат бўлиб, энергия etkazиб беришдаги танаффуслар юзга келганда.

Электр энергия таъминоти корхонага узилган ёмлик бўлмаган ваъдалар оқибатида мажбур бўлган чеklanganлар киритилганда, «Электр қурилмалари тузиллиши Қомдаларининг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 – бандларига ёмлик истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончлилиги тоифаси (категория)га тутури келмаган (тоифа талабларини бажармаган)да ва "Маълумий электр тармоқлари" АЖ томонидан қувват тақчиллиги юзга келиши натижасида, авария ҳаффи пайдо бўлганда, ҳамда чеklangan жадвалини жорий этиш имконияти бўлмаганда юзатирилган чеklanganлар натижасида истеъмолчилардан киритилган даъво ва талаблари бўйича ишчи чикалган ишлар бўйича Истеъмолчи олдидан жавобгар бўлмайдиган.

5.3. Корхона Истеъмолчининг Баъро қўрқатмасига ёмлик электр энергиясидан умилганда ёки ешиб бўлмайдиган табиий офатлар ҳамда фавқулоқда авария ҳолатлари юзга келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдидан жавобгар бўлмайдиган.

5.4. Маълум шартномани бажариш жараёнида юзга келадиган барча қилишмовчилик ва ишлар мувоқарга etkazилиш орқали ҳал қилинади. Қилишмовчиликларни мувоқарга etkazилиш орқали ҳал қилишнинг асоси бўлмаганда, улар суд тартибидан ҳал қилинади.

## VI. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабр гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайдиган ва кейинги ойдан кучга кирмади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тутиганда, томонлардан бири уни узайтиратиш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилда узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилоти лари булдан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тутигандан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Маълум шартнома бир ҳал қилиш кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланадиган икки (Бюджет ташкилоти лари учун уч) нусxada тузилади. Шартноманинг иловалари унинг ажратмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини танаффусли билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиш шарт билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тутиришда хабарнома ёмлик равишда юзорилади.

6.4. Барча ўзгариш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёмлик равишда амалга оширилса, томонларнинг вақиматли ишлар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Маълум шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қондалар Вақимлар Маълумасининг 2018 - йил 12 - январда 22 - сон қарори билан таъдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қондалари ҳамда ёмлик амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.



**VII. TOMONLARNING MANZILLARI VA BANK REKVIZITLARI**

**ИСТЕЪМОЛЧИ:**

Юридик манзили Дангара ободонлаштириш бахорчаси

Ҳисобрақами 23402000300100001010

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 206940997

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг ҳисобрақами 100022860302367064200110001

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 206940997

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисобрақами \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: 97-337-81-31 Факс: \_\_\_\_\_

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди б/н ёзилади)

Кадастр № \_\_\_\_\_

**Статистик кодлар:**

ОКЭД \_\_\_\_\_

СООГУ 29994

СОАТО 1430236

КФС \_\_\_\_\_

КОПФ \_\_\_\_\_

ОКПО \_\_\_\_\_

**КОРХОНА:**

Почта манзили: Дангара тумани, Дангара шаҳарчаси Навбахор кўчаси 64-уй

Ҳисобрақами: 22636000900215289455 (Узсаноатқурилиш банкнинг Фаргона филиали)

Банк коди (МФО) 00494 (ИНН) 200144930


ҚҚС тўловчининг коди 330160012924

Телефонлар: +99873-572-11-05 Факс: +99873-572-12-05

**Статистик кодлар:**

СООГУ 01013

СОАТО 1730401



**XUQUQSHUNOS XULOSASI**  
Ushbu shartnoma loyihasini O'zbekiston Respublikasining  
«Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faolligini shartnomaviy huquqli  
bozori to'g'risida» qonuni, Pagarolik Kodeksi va boshqa  
qonun hujjatlari asosida umumiy ekspertiza qilib, shartnoma  
qonunchilik hujjatlariga mos kiritilganini tasdiqlaydi.  
Shu sababli ushbu shartnomani imzolasa bo'ladi.  
"Danq'ara TETK" Huquqshunosi

Корхона: Э.Т. Рахмонов



Электр таъминотининг шартномасига  
I - илова

Етказиб бериладиган энергия хажми

1. Тариф гуруҳи II гр.
2. Фаолият тури БЮЗ ҳолат
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: 60 кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват 60 кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича таифаси (лоїнҳа бўйича) II
6. Ҳисоб-китоб тури: Бир ставкали

тариф тури: табақалаштририлган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нонт рўйхатида қўрастилган маҳсулот  
ишлаб чиқарувчи ва афрөн хизматлар қўрастувчи истеъмолчилар (жераклиги ёзилган)

Йил, жами	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
Йил, жами	66666				
Январ	22200				
Феврал	22200				
Март	22266				
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Ташкилот кунига ишлайди 24 соат, ойга 30 кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I \_\_\_\_\_, II \_\_\_\_\_, III \_\_\_\_\_

Истеъмолчи  
  
М.У. (Илуро, Ф.И.ИИ., сана)

Корхона  
  
М.У. (Илуро, Ф.И.ИИ., сана)




Электр таъминотининг шартномасига  
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

"Истеъмолчи"нинг (суб"Истеъмолчи"нинг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва қучлигини тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал ток)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоғидаги пломбанинг рақами		Ўлчов трансформаторларининг трансформация коэффициенти		Ҳисоб-киتاب коэффициенти	Ҳисобга олиш приборининг Шартнома тузилган қундаги кўрсаткичлари ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с
			Корхона-нинг	Бюро-нинг	Ток	Қучла-ниш			
Шеф-0,4									450,0

Истеъмолчи:  
  
 (Имзо)

Имзолар:

Корхона:  
  
 (Имзо)







**Энергиянинг йуқолишларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия ҳисобга олини приборлари электр тармоқларининг билано бўйича мансублик чегарасидан Уриятилмаганда, электр тармоқларининг билано бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олиниган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олини прибори Уриятилган жойгача бўлган киёми ҳисобланн йули билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги офлик ақтин энергиянинг йуқолишлари \_\_\_\_\_ кВт. соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йуқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.Ар соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

б) Йетекмолчиининг кабель линияларидаги ҳар офлик энергияни йуқолиши:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м,  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ 4x25 \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>,  
Рукуми \_\_\_\_\_ А В В Г \_\_\_\_\_ ;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ 0,4 кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт. соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

в) Йетекмолчиининг ҳаво линияларидаги ҳар офлик энергия йуқолишлари:


Узунлиги \_\_\_\_\_ м,  
Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>,  
Рукуми \_\_\_\_\_ ;  
Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт. соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманин 3.8 бандига асосан юкорида кўрсатилган энергия йуқолишлари Йетекмолчиининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия йетекмолчида ва 1-иловада кўрсатилган ишлан тартибидан аниқланади.

Корхонанин электр тармоқлари ва ушларининг ички электр тармоқларининг бўлини чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган манший йетекмолчиларининг электр энергиясини ҳисобга олини асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияни йуқолишлари ҳисоб-китоб қилини йули билан аниқланади ва уш-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-экселуатация ташкилотлари йетекмолчига қаратилади.

  
Йетекмолчиин  
М.У. М. Муҳаммадов

Имзолар:

  
Корхона  
М.У. С.Т. Раҳмонов  
(М.У.)